

“Вўзада ўрта толали Юксалиш навининг яратилиши”.

Kalit soʻzlari: gʻoʻza, oʻsimlik, turlararo, gul, belgilari, tezpisharlik, serhosillik, usuv davri, urugʻchilik.

Ключевые слова; хлопчатник, растение, межвидовой, цветок, признаки, скороспелость, урожайность, вегетационный период, семеноводство.

Keywords; cotton, plant, interspecific, flower, characteristics, early ripening, productivity, growing season, seed production.

Бу нав тур доирасида (*G.hirsutum* L.) хазмогам гулли ва турлараро дурагайлаш йўли билан олинган Л-517 ҳамда АН-415 навини ўзаро чатиштириш йўли билан ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Эмбриогенетика лабораторияси мудирлари Т.И.Муҳиддинов, А.А.Наримонов, А.Х.Чориев ва бошқалар томонидан яратилган бўлиб, у ўз моҳияти билан президентимиз томонидан биз селекционер олимлар олдига қўйган долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал қилишнинг моддий ва манавий асоси бўлиб халқимизнинг бахту - саодати йўлида хизмат қилишига ишонамиз. Бунга олинган натижалар фикримизнинг исботини белгилайди.

Навнинг морфобиологик кўрсаткичлари: Ўсимлик бўйининг баландлиги 120-130см, симподия шохли, шохланиши 1,5-2,0 типли, унинг умумий кўриниши пирамидасимон бўлиб, танаси бақувват ва кучли, эгилмайди, яшил рангли, онтациан доғлари мавжуд, 1-2 моноподия шохли. Биринчи ҳосил шохининг пайдо бўлиши (бўғинлар баландлиги) 4-5 бўғинда пайдо бўлади. Барги ўртача катталиқда, 3-5 парракли, яшил, баргланиш даражаси ўртача ва барги юпқа, ости қалин тукчалар билан қопланган. Очиқ гулли (хазмогам) ўртача катталиқда, оқиш рангли, гултожи барглари асосида доғлари йўқ, гул чанги сутли рангда, гул коса ва гултожи барглари ўртача, гулкоса барги 9-12 тишли юраксимон.

Навнинг хўжалик белгилари. Пишиб етилиши-вегетация даври 103-107 кун бўлиб, тезпишарлар гуруҳига киради. 1000 дона чигитининг оғирлиги 115-120 гр. Кўсаги йирик 7,0-8,0 гр, думалоқ -тухумсимон кўринишга эга, айрим холларда тўмтоқ тумшукчали ва тумшукчаси бирмунча ривожланганлари ҳам учраб туради, чаноқнинг устки қисми силлиқ ва яшил кўринишга эга бўлиб, айрим холларда нуқтали доғлар учраб туради, 4-5 чаноқли, пахтаси оқ, майин, тўкилмайди. Очилиш даражаси кучли, синхрон ҳолатда содир бўлади, чаноғининг асосий қисми совуқ ургунга қадар очилиб бўлади.

Технологик кўрсаткичлари: Тола чиқими 44,5-45,5%, микронейри 4,0-4,1, тола узунлиги 36,0-36,5 мм, солиштирма узилиш кучи ГС/ТЕКС 34,5-35,5, толанинг юқори ўртача узунлиги 1,18 дюйм, тола сариқлиги 7,6-8,2. Толаси оқ III-IV саноат типига киради. Ҳосилдорлиги гектаридан 37,0-42,0 ц/гани, илғор ф/х-да 50-55 ц/гани ташкил этди.

Агробиологик тадбирлар: Ўсимликнинг илдиз системаси кучли ривожланган бўлиб, агроэкологик муҳит шароитига қараб юқори ҳосилдорликка эришиш имкониятини беради. Чигитнинг экиш муддати худудлар шароитига қараб белгиланади. Нав чигитининг униб чиқиш коэффиценти жуда юқори бўлиб, тупроқнинг юқори қисмидаги (5 см), ҳарорати 10-15 даражага етганда экилса кўқариши оптимал ҳолатда юқори бўлади. Унинг экиш меъёри тукли ҳолатда 50-60 кг, туксиз ҳолатида 25-30 кг ташкил этгани холда экишни тақозо қилади. Яганалаш даври 2-3 дона чинбардан сўнг утказиш яхши натижа беради. Ўсимликларни экиш 60 х 15 х 1, 60 х 20 х 1 ҳамда 90 х 10 х 1 схемада тупроқ структурасига қараб белгиланади. Экишни амалга ошириш ҳар бир худуднинг шароитидан келиб чиққан ҳолда агробиологик тадбирларга асосланиб, жанубда кўп йиллик тажрибалардан келиб чиққан ҳолда 25.03 дан 07.04 гача, Тошкентда 10-15.04. гача ўтказилади. Ўсимликларнинг кўчат қалинлиги гектарига 80-95 минг туп бўлиши ижобий ҳосил олиш имкониятини беради.

Ушбу тизимнинг минерал ва маҳаллий ўғитларга бўлган талабчанлиги юқори бўлиб, гектарига азотдан 350-400 кг, фосфордан 300-400 кг, калий 100-120 кг ва маҳаллий ўғитлардан имконияти борича кўпроқ (30-35 тн) бўлган йиллик сарфни ташкил этади. Бу минерал ва маҳаллий ўғитлар агротехника талабларига асосан, шароитга қараб белгиланади ва бўлиб берилади, айниқса шоналаш ва гуллаш даврида берилиши ҳосил тақдирига ижобий таъсир қилади. Навнинг суғоришга бўлган талаб ҳар бир ҳудуднинг шароитини билган ҳолда фаслларнинг келишига қараб, тупроқ структураси ва ер ости сувларининг жойлашувига (узоқ-яқинлиги) асосан яратилган навларимизнинг жанубий экстремал шароитга мослаштиришимизни ҳисобга олиб, 1-3-1 ва 1-2-1 ёки ўша жойнинг ўзида қабул қилинган тартибда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Ғўза зараркунандаларига қарши курашиш тадбирлари (биологик, кимёвий) кўрсатилган қўлланмалар асосида олиб бориш яхши натижалар беради.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Muxiddinov T. I., Abdullaev A. A., CHoriyev A.X., Kuchkarov E., Jumaev S.K. “Genetika kleystogamii pri vnutrividovoygibridizatsii vida *Gossypium barbadense* l// Vavilovskiy jurnal genetiki i seleksii. 2015 g №1 s.63-68.
2. CHoriyev A. X. G‘o‘zada xazmo – kleystogam gul belgilarining irsiylanishi va xo‘jalik ko‘rsatkichlari bilan bog‘liqligi. //Biologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) diss. avtoreferati. Toshkent 2020 y. –B. 1-20
3. CHoriyev A. X., Muxiddinov T. I. G‘o‘zada xazmo – kleystogam gul belgilarining irsiylanishi va xo‘jalik ko‘rsatkichlari bilan bog‘liqligi. // Monografiya. Toshkent 2021 y. –B. 1-140.

Эмбриогенетика лабораторияси мудири Т.И.Мухиддинов, А.А.Наримонов,
А.Х.Чориев ва бошқалар томонидан яратилган бўлиб,

¹**Muxiddinov T.I. q.x.f.d. проф., O‘zRFA Genetika va
o‘simliklar eksperimental biologiya instituti.**
**Абдужалил Наримонов Абдусаматович q.x.f.d. проф., ЎзРФА Генетика ва
ўсимликлар экспериментал биологияси институти.**
²**Abdimumin Choriyev, b.f.f.d., dotsent., “TIKXMMI” M T U.**